

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг  
ҚАРОРИ

**520 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
«Патент божлари тўғрисидаги низомни ва патент  
божлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 20 ап-  
релдаги 65-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш  
тўғрисида**

Илмий-техник ва инновация фаолиятини янада ривожлантириш, илмий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг интеллектуал мулк объектларини хукуқий муҳофаза қилиш харжатларини камайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Патент божлари тўғрисидаги низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 20 апрелдаги 65-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 4-сон, 26-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 10 октябрь,  
285-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 10 октябрдаги 285-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Патент божлари тўғрисидаги  
низомни ва патент божлари Ставкаларини тасдиқлаш ҳақида»  
2006 йил 20 апрелдаги 65-сон қарорига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарорнинг номи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Патент божлари ва тўловлари тўғрисидаги низомни  
ҳамда Патент божлари ва тўловлари ставкаларини  
тасдиқлаш ҳақида».**

2. 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Патент божлари» сўзларидан кейин «ва тўловлари» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбошидаги «Патент божлари» сўзларидан кейин «ва тўловлари» сўзлари қўшилсин.

3. 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «патент божлари» сўзларидан кейин «ва тўловлари» сўзлари қўшилсин.

4. 1-иловада:

а) Низомнинг номидаги «Патент божлари» сўзларидан кейин «ва тўловлари» сўзлари қўшилсин;

б) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Мазкур Низом:

патент божларини (кейинги ўринларда бож деб юритилади) тўлаш тартибини, шунингдек ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқларини хуқуқий муҳофаза қилиш, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиқсан жойлар номлари, интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга бўлган хатти-харакатлар содир этилганлиги учун тўловлардан озод қилиш ёки уларни қайтариш асосларини;

тўловларни ундириш тартибини, шунингдек ЭҲМ ёки маълумотлар базалари учун дастурларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурлардан фойдаланишга мулкий хуқуқни берганлик учун шартномаларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга бўлган хатти-харакатлар содир этилганлиги учун тўловлардан озод қилиш ёки уларни қайтариш асосларини белгилайди»;

в) 2-банддаги «Бож» сўзидан кейин «ёки тўловлар» сўзлари қўшилсин;

г) 3-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Бож ёки тўлов тўланганлигини тасдиқловчи хужжатда буюртманома ёки патентнинг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами, унинг учун бож ёки тўлов тўланган хатти-харакатга доир гувоҳнома ва унинг номи бўлиши керак. Агар буюртманомага рўйхатдан ўтказиш рақами ҳали берилмаган бўлса, кўрсатиб ўтилган хужжатда унинг учун бож ёки тўлов тўланган хатти-харакатнинг номи билан биргаликда ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси номлари, товар келиб чиқсан жой, интеграл микросхемалар топологиялари номлари, шунингдек биринчи муаллифнинг фамилияси ёки ариза берувчининг номи бўлиши керак. Агентлик кўрсатиб ўтилган маълумотлар мавжуд бўлмаган хужжатни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир»;

д) 4-банддаги «божнинг» ва «бож» сўзлари тегишли равишда «бож ёки тўловнинг» ва «бож ёки тўлов» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 5-банддаги «интеграл микросхемалар топологиялари» ва «божнинг» сўзларидан кейин тегишли равишда «ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурлар» ва «ёки тўловнинг» сўзлари қўшилсин;

ж) 7-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида муҳофаза хужжати рўйхатдан ўтказилганлиги, эълон қилинганлиги ва берилганлиги учун белгиланган микдорда бож ёки тўловлар тўланганлигини тасдиқловчи хужжат тақдим этилмаган тақдирда ушбу тартиботлар амалга оширилмайди. Бож ёки тўловлар тўланганлигини тасдиқловчи хужжат кўрсатиб ўтилган уч ой муддат тамом бўлган кундан бошлаб уч ой мобайнида тақдим этилиши мумкин. Ушбу ҳолатда бож ёки тўловлар микдори 50% га кўпаяди»;

з) 8-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тўланган буюртманома божи ва тўловлари қайтарилилмайди»;

и) 9 ва 10-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Тўланган бошқа божлар ёки тўловлар ариза берувчининг — божни ёки тўловларни тўлаган шахснинг илтимосига кўра божлар ёки тўловлар белгиланган микдордан ортиқ микдорда тўланган ёки унинг учун бож ёки тўловлар тўланган хатти-харакат содир этилмаган тақдирда қайтарилиши мумкин.

10. Божнинг ёки тўловларнинг ортиқча тўланган суммаси илтимос қилувчи шахснинг илтимосига кўра илтимос берилган санада уларни тўлаш мумкин бўлган бошқа божлар ёки тўловлар тўланиши хисобига ўтказилиши мумкин»;

к) 11-банддаги «патент божларини» ва «божни» сўзларидан кейин тегишли равишда «ёки тўловларини» ва «ёки тўловни» сўзлари кўшилсин;

л) 12-банддаги «Божларни» ва «бож» сўзларидан кейин тегишли равишда «ёки тўловларни» ва «ёки тўловлар» сўзлари кўшилсин;

м) 13-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«13. Ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуклари, интеграл микросхемалар топологиялари, ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурларнинг ягона муаллифлари бўлган хамда ўз номига муҳофаза хужжати сўраётган 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ёки уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек I гурух ногиронлари Патент божлари ставкаларининг 1.1 — 1.4, 2.1 — 2.4, 3.1 — 3.2, 5.1 — 5.2, 7.1 — 7.2-бандларида назарда тутилган божларни ёки тўловларни тўлашдан тегишли равишда озод қилинадилар.

Ушбу бандда назарда тутилган божни ёки тўловларни тўлашдан озод қилиш ариза берувчининг илтимосномасига кўра берилади ва қўйидаги хужжатларнинг нусхалари бунга асос хисобланади:

1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиси ёки унга тенглаштирилган шахснинг гувоҳномаси;

уруш йиллари фронт ортида ишлаганлик (ёки хизмат қилганлик) учун берилган гувоҳнома;

тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси.

Лицензия шартномаси, муҳофаза хужжатини бошқа шахсга бериш тўғрисида шартнома тузишда бож ёки тўловлар микдорини камайтириш назарда тутилмайди».

5. 2-иловада:

- а) илова номидаги «Патент божлари» сўзларидан кейин «ва тўловлари» сўзлари қўшилсин;
- б) устунлар кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| Бож ёки тўловлар коди | Бож ёки тўловларнинг вазифаси | Ставкалар  |                                | Бож ёки тўловлар тўланганлиги тўғрисидаги хужжатни тақдим этиш муддатлари |
|-----------------------|-------------------------------|--|--------------------------------|---|
|                       |                               | миллий валютада (белгиланган энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент) | хорижий валютада (АҚШ доллари) |   |

в) 1-бўлимнинг 1.4-кичик бўлимида:

1.4.1-банднинг «Ставкалар» устунидаги «2» ва «840» рақамлари тегишли равища «1» ва «420» рақамлари билан алмаштирилсин;

1.4.3-банд кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

|        |   |     |     |  |
|--------|---|-----|-----|--|
| 1.4.3. | Амал қилишининг буюрманома берилган санадан бошлаб саноат намунасига патентнинг амал қилишини ҳар ийли сақлаш:<br>учинчи — еттинчи йиллар учун<br>саккизинчи — ўнинчи йиллар учун | 1   | 420 | Уч йил учун — патент берилганлиги учун бож тўланганлигини тасдиқловчи хужжат билан бир вақтда. Кейинги йиллар учун — патент амал қиласидан муддат ўтгунгача охирги уч ой мобайнида |
|        | ўн биринчи — ўн бешинчи йиллар учун (узайтирилган ҳар бир ийл учун)   | 1,5 | 630 |  |
|        | 2   | 840 |     |  |

г) 2-бўлимда:

2.2-кичик бўлимида:

2.2.1-банднинг «Ставкалар» устунидаги «3» ва «1260» рақамлари тегишли равища «1» ва «420» рақамлари билан алмаштирилсин;

2.2.2-банднинг «Ставкалар» устунидаги «15» ва «6300» рақамлари тегишли равища «4» ва «1260» рақамлари билан алмаштирилсин;

2.4-кичик бўлим кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| 2.4. Селекция ютуқларига патентнинг амал қилишини сақлаш учун божлар |  |     |     |  |
|--|--|-----|-----|--|
| 2.4.1.   | Селекция ютуғига патентни рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб ўз кучида сақлаш, амал қилишининг ҳар бир ийли учун: |     |     | Биринчи ийл учун — патентни рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва бериш учун бож тўланганлигини тасдиқловчи хужжат билан бир вақтда. Кейинги йилларда жорий йилда патентнинг амал қиласидан муддати тутагунгача охирги уч ой мобайнида |
|  | биринчи — учинчи йиллар учун   | 0,2 | 84  |  |
|  | тўртинчи — олтинчи йиллар учун   | 0,4 | 168 |  |
|  | еттинчи — ўнинчи йиллар учун   | 0,5 | 210 |  |
|  | ўн биринчи — ўн тўртинчи йиллар учун   | 0,7 | 294 |  |
|  | ўн бешинчи — ўн олтинчи йиллар учун  | 0,9 | 378 |  |
|  | ўн еттинчи — йигирманчи йиллар учун  | 1   | 420 |  |
|  | йигирма биринчи — ўттизинчи йиллар учун (узайтириш)  | 1,2 | 504 |  |

2.5-кичик бўлимнинг 2.5.2-банди қўйидаги таҳирда баён қилинсин:

|        |  |   |      |
|--------|--|---|------|
| 2.5.2. | Қўйидагилар:   |   |      |
|        | селекция ютуғига патентни бошқага бериш тўгрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш   | 3 | 1260 |
|        | селекция ютуғига бир нечта патентларни бошқага бериш тўгрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш, бошқага ўтказиш тўгрисидаги шартномада кўрсатилган ҳар бир патент учун кўшимча равища | 2 | 840  |

куйидаги мазмундаги 2.8-кичик бўлим қўшилсин:

| 2.8. Хужжатлар тақдим этиши муддатини узайтириш |  |     |    |   |
|---|--|-----|----|---|
|   | Хужжатларни тақдим этишининг қонун хужжатларида белгиланган муддатини бир ойга (бир ойдан ошмаган муддатга) узайтириш: | 0,2 | 84 | Белгиланган муддатни узайтириш тўгрисидаги илтимоснома бериш билан бир вақтда |

д) 3-бўлимда:

3.1-кичик бўлимда:

3.1.1-банднинг «Ставкалар» устунида:

иккинчи ва тўртинчи сатрдаги «1,4» рақами «1,5» рақами билан алмаштирилсин;

учинчи ва бешинчи сатрдаги «0,1» ва «60» рақамлари тегишли равища «0,5» ва «200» рақамлари билан алмаштирилсин;

3.1.2-банднинг «Ставкалар» устунидаги «1,4» рақами «1,5» рақами билан алмаштирилсин;

3.3-кичик бўлимда:

3.3.1-банднинг «Ставкалар» устунида:

иккинчи сатрдаги «1,4» рақами «2» рақами билан алмаштирилсин;

учинчи сатрдаги «0,1» рақами «0,5» рақами билан алмаштирилсин;

3.3.2-банднинг «Ставкалар» устунида:

иккинчи сатрдаги «2,8» рақами «3» рақами билан алмаштирилсин;

учинчи сатрдаги «0,2» рақами «0,5» рақами билан алмаштирилсин;

3.3.3-банднинг «Ставкалар» устунидаги «1,4» рақами «1,5» рақами билан алмаштирилсин;

3.6-кичик бўлими 3.6.2-бандининг «Ставкалар» устунидаги «0,6» ва «250» рақамлари тегишли равища «1» ва «240» рақамлари билан алмаштирилсин;

е) 7-бўлим қўйидаги таҳирда баён қилинсин:

| 7. ЭҲМ ва маълумотлар базаси учун дастурлар                 |  |     |     |   |
|---|--|-----|-----|---|
| 7.1. Буюртманомага доир тўловлар                            |  |     |     |   |
|   | ЭҲМ ва маълумотлар базаси учун дастурларни рўйхатдан ўтказиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш учун буюртманомалар бериш | 0,5 | 210 | Буюртманомалар бериш билан бир вақтда                       |
| 7.2. Гуво номаларни рўйхатдан ўтказиш, ўзлон қилиш ва бериш |  |     |     |   |
| 7.2.1.  | ЭҲМ ва маълумотлар базаси учун дастурларни рўйхатдан ўтказиш   | 0,2 | 84  | Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида |

**42 (646)-сон****— 13 —****520-521-моддалар**

|  |  |     |     |  |
|--|--|-----|-----|--|
| 7.2.2.   | Расмий бюллетенда ЭХМ ва маълумотлар базаси учун рўйхатдан ўтказилган дастурларни эълон қилиш  | 0,1 | 42  |  |
| 7.2.3.   | Гувоҳномаларни бериш   | 0,2 | 84  |  |
| <b>7.3. ЭХМ ва маълумотлар базаси учун дастурларга уқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш</b> |  |     |     |  |
| 7.3.1.   | ЭХМ ва маълумотлар базаси учун дастурга барча мулкий ҳукуқларни тўлиқ бошқага бериш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш                             | 1   | 420 | Ҳукуқни бериш тўғрисидаги аризани бериш билан бир вақтда           |
| 7.3.2.   | ЭХМ ва маълумотлар базаси учун дастурга мулкий ҳукуқларни бериш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш   | 0,5 | 210 |  |
| <b>7.4. Ўзгартиришлар киритиши</b>   |  |     |     |  |
|  | Давлат экспертизаси қарори қабул қилингунга қадар ЭХМ ва маълумотлар базаси учун дастурга буюртманомаларга тузатишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритиши | 0,2 | 84  | Таркибида ўзгартиришлар мавжуд бўлган материаллар билан бир вақтда |